

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИННИГ ҚАРОРИ

### **ФИСКАЛ ХОТИРАГА ЭГА БЎЛГАН НАЗОРАТ-КАССА МАШИНАЛАРИНИНГ ҚЎЛЛАНИШИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШГА ДОИР ҚЎШИМЧА ЧОРА- ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА**

*(Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й., 47-сон, 488-модда; 2012 й., 44-сон, 507-модда; 2013 й., 37-сон, 485-модда; 2014 й., 24-сон, 288-модда)*

Юридик ва жисмоний шахслар томонидан нақд пулга товарларни сотиш, ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатишида фискал хотираға эга бўлган назорат-касса машиналарининг қўлланишини янада такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қиласди:

1. Қуйидагилар:

Аҳоли билан пулли ҳисоб-китобларни амалга оширишда фискал хотираға эга бўлган назорат-касса машиналарини қўллаш тартиби тўғрисидаги низом [1-иловага](#) мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси худудида қўлланиши рухсат этилган фискал хотираға эга бўлган назорат-касса машиналарининг Давлат реестрини (кейинги ўринларда Давлат реестри деб аталади) юритиш тартиби тўғрисидаги низом [2-иловага](#) мувофиқ;

Юридик ва жисмоний шахсларнинг ўз фаолияти хусусиятига кўра аҳоли билан пулли ҳисоб-китобларни фискал хотираға эга бўлган назорат-касса машиналарини қўлламасдан амалга ошириши мумкин бўлган айрим тоифалари рўйхати [3-иловага](#) мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси юридик ва жисмоний шахслар томонидан мазкур қарор билан тасдиқланган низомлар талабларига риоя этилиши юзасидан зарур даражада назорат ўрнатсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси хузурида 4-иловага\* мувофиқ таркибда Фискал хотираға эга бўлган назорат-касса машиналари ва уларнинг дастурий маҳсулотлари (версиялари) бўйича идоралараро ишчи комиссия (кейинги ўринларда Идоралараро ишчи комиссия деб аталади) ташкил этилсин.

\* 4-илова берилмайди.

4. Идоралараро ишчи комиссия:

Ўзбекистон Республикаси худудида қўлланиши рухсат этилган фискал хотираға эга бўлган назорат-касса машиналарини Давлат реестрига киритиш ва ундан чиқариш регламентини бир ой муддатда ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

Ўзбекистон Республикаси худудида қўлланиши рухсат этилган фискал хотираға эга бўлган назорат-касса машиналари моделларининг этalon версиялари банкини яратсин;

оммавий ахборот воситаларида Давлат реестрига киритилаётган ва ундан чиқарилаётган фискал хотираға эга бўлган назорат-касса машиналари моделлари ва уларнинг дастурий маҳсулотлари (версиялари) тўғрисидаги ахборот мунтазам равища эълон қилинишини таъминласин.

5. Белгилансинки, Ўзбекистон Республикаси худудида қўлланиши рухсат этилган фискал хотираға эга бўлган назорат-касса машиналари моделларини ва уларнинг версияларини Давлат реестрига киритиш ва ундан чиқариш тўғрисидаги қарор Идоралараро ишчи комиссия томонидан қабул қилинади.

*Олдинги таҳтирга қаранг.*

6. Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси фискал хотираға эга бўлган назорат-касса машиналарига техник хизмат кўрсатувчи ҳамда уларни таъмирловчи ташкилотлар томонидан хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш юзасидан кўрсатилаётган хизматларга белгиланаётган нархларнинг доимий мониторингини олиб борсин.

(6-банд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 9 сентябрдаги 244-сонли карори таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2013 й., 37-сон, 485-модда)

7. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 5-иловага мувофиқ айрим қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

Вазирликлар ва идоралар бир ой муддатда ўз идоравий норматив-ҳукукий хужжатларини ушбу қарорга мувофиқлаштирунлар.

8. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

## Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,  
2011 йил 17 ноябрь,  
306-сон

Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 17 ноябрдаги 306-сон карорига  
1-ИЛОВА

### Ахоли билан пулли ҳисоб-китобларни амалга оширишда фискал хотирага эга бўлган назорат-касса машиналарини қўллаш тартиби тўғрисида

#### НИЗОМ

##### I. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикасининг Солик кодексига мувофиқ, ахоли билан пулли ҳисоб-китобларни амалга оширишда фискал хотирага эга бўлган назорат-касса машиналарини қўллаш тартибини белгилайди ҳамда барча юридик шахсларга, шунингдек фискал хотирага эга бўлган назорат-касса машиналаридан фойдаланиб ахоли билан нақд пулли ҳисоб-китоб қилувчи якка тартибдаги тадбиркорларга (кейинги ўринларда хўжалик юритувчи субъектлар деб аталади) жорий этилади.

2. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида савдони амалга оширишда ва товарларни сотишда, ишларни бажариш ёки хизматлар кўрсатишда ахоли билан пулли ҳисоб-китоблар барча хўжалик юритувчи субъектлар томонидан фискал хотирага эга бўлган назорат-касса машиналарини мажбурий тартибда қўллаган ҳолда амалга оширилади, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган, ўз фаолиятининг хусусиятига кўра ахоли билан пулли ҳисоб-китобларни фискал хотирага эга бўлган назорат-касса машиналарини қўлламасдан амалга ошириши мумкин бўлган хўжалик юритувчи субъектларнинг айрим тоифалари бундан мустасно.

3. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фақат фискал хотирага эга бўлган назорат-касса машиналари ва уларнинг дастурий маҳсулотлари (версиялари) бўйича Идоралараро ишчи комиссия (кейинги ўринларда Комиссия деб аталади) томонидан шакллантириладиган фискал хотирага эга бўлган назорат-касса машиналари Давлат реестрига (кейинги ўринларда Давлат реестри деб аталади) киритилган, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фойдаланишга рухсат берилган назорат-касса машиналари моделларидан ва уларнинг дастурий маҳсулотларидан (версияларидан) фойдаланишга рухсат этилади.

4. Давлат реестрига киритилмаган назорат-касса машиналари ва уларнинг дастурий маҳсулотлари (версиялари)ни Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қўллашга йўл кўйилмайди.

5. Хўжалик юритувчи субъектлар ахолига товарларни нақд пулсиз сотишида (ишларни бажаришда ва хизматлар кўрсатишда) пластик карточкаларга хизмат кўрсатадиган тўлов терминалларидан фойдаланадилар. Тўлов терминалидан бериладиган чекни харидорларга бериш мажбурий ҳисобланади.

##### II. Назорат-касса машиналарини рўйхатдан ўтказиш ва рўйхатдан ўтказишдан чиқариш тартиби

6. Назорат-касса машиналари ушбу Низомга [1-иловада](#) назарда тутилган тартибда белгиланган тартибда аккредитация қилинган сертификация бўйича органлар томонидан мажбурий тартибда сертификатланиши ва хўжалик фаолияти амалга ошириладиган жой бўйича туманлар (шахарлар) давлат солик хизмати органларида рўйхатдан ўтказилиши керак.

*[Олдинги таҳрирга қаранг.](#)*

7. Сертификатга эга бўлмаган ва (ёки) белгиланган ягона техник талабларга жавоб бермайдиган ёхуд давлат солик хизмати органларида рўйхатдан ўтказилмаган фискал хотирага эга бўлган назорат-касса машинасидан фойдаланиш қонун ҳужжатларига мувофиқ айбдор шахслар ва хўжалик юритувчи субъектлар жавобгарликка тортилган ҳолда фискал хотирага эга бўлган назорат-касса машинасини қўлламасдан амалга оширилган фаолият сифатида қаралади.

(7-банд *Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 7 июндаги 147-сонли қарори таҳририда — ЎР КҲТ, 2014 й., 24-сон, 288-модда)*

8. Назорат-касса машиналарида техник хизмат кўрсатиши назорат-касса машиналарида техник хизмат кўрсатадиган, уларни таъмирлайдиган хизмат кўрсатувчи ташкилот (кейинги ўринларда хизмат кўрсатувчи ташкилот деб аталади) билан хўжалик юритувчи субъект ўртасида тузилган шартномага мувофиқ амалга оширилади.

9. Назорат-касса машиналари носозлиги муносабати билан уларни таъмирлаш зарур бўлганда хўжалик юритувчи субъект бу ҳақда дарҳол назорат-касса машиналари рўйхатдан ўтказилган жой бўйича давлат солик хизмати органларини назорат-касса машиналарининг моделини, завод рақамини ва рўйхатдан ўтказилган рақамини кўрсатган ҳолда эркин шаклда хабардор қилиши ва хизмат кўрсатувчи ташкилотдан мутахассисни чакириши шарт.

10. Давлат солик хизмати органлари билдиришнома ва ушбу Низомга [2-иловага](#) мувофиқ шакл бўйича хўжалик юритувчи субъект билан хизмат кўрсатувчи ташкилот назорат-касса машинасини турғун таъмирлаш жойига етказиш юзасидан тузган далолатнома-кўрсатма олинган кундан кейинги иш кунидан кечикмай, агар носозликни жойнинг ўзида бартараф этиш имкони бўлмаса, назорат-касса машинасини пломбани бузган ҳолда таъмирлашга юбориш ҳақида хўжалик юритувчи субъектнинг розилиги тўғрисида қарор қабул қиласи.

*[Олдинги таҳрирга қаранг.](#)*

Бунда хўжалик юритувчи субъект давлат солик хизмати органларида аҳоли билан пулли ҳисоб-китобларни амалга оширишда ёзиладиган, қатъий ҳисобот бериладиган бланкалар ҳисобланадиган ушбу Низомга [3-иловага](#) мувофиқ шакл бўйича квитанция дафтарчаларини тақдим этади. Квитанция дафтарчалари пулни ҳисоб-китоблар амалга оширилгунга қадар давлат солик хизмати органларида рўйхатдан ўтказилади. Квитанцияларнинг ушбу шаклидан электр энергияси вақтинча мавжуд бўлмаган тақдирда ҳам фойдаланилади.

(10-банднинг иккинчи хатбоюси *Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 7 июндаги 147-сонли қарори таҳририда — ЎР КҲТ, 2014 й., 24-сон, 288-модда)*

11. Назорат-касса машинасини таъмирлаш тамом бўлгандан кейин давлат солик хизмати органлари вакили хўжалик юритувчи субъект иштирокида янги тамға ўрнатади.

12. Хизмат кўрсатувчи ташкилот ушбу Низомга [4](#) ва [5-иловаларга](#) мувофиқ шакл бўйича назорат-касса машинаси таъмирланганлиги тўғрисидаги далолатномани ва назорат-касса машинасининг фискал хотираси кўрсаткичлари қайд этилганлиги тўғрисидаги далолатномани тузади. Бунда хизмат кўрсатувчи ташкилот назорат-касса машинаси билан биргаликда далолатномалар нусхаларини хўжалик юритувчи субъектга ва давлат солик хизмати органларида беради.

Агар назорат-касса машинасини таъмирлашнинг кафолатли муддати мавжуд бўлса, у ҳолда хизмат кўрсатувчи ташкилот назорат-касса машинасининг паспортида таъмирлаш тўғрисида тегишли белгини қайд этади ва таъмирлашни амалга оширган

хизмат кўрсатувчи ташкилотнинг тўлиқ номини, почта манзили ва телефон рақамини, шунингдек таъмирланган назорат-касса машинаси тамғаланган тамғанинг босма изини кўрсатади.

13. Хўжалик юритувчи субъект тугатилган, қайта ташкил этилган, назорат-касса машинаси турган жой ўзгарган тақдирда, шунингдек назорат-касса машинаси ушбу хўжалик юритувчи субъектдан фойдаланишдан чиқсан тақдирда хўжалик юритувчи субъект давлат солиқ хизмати органларида назорат-касса машинасини рўйхатдан ўтказишдан чиқариши шарт.

Хўжалик юритувчи субъект тугатилганда назорат-касса машинасини давлат солиқ хизмати органларида рўйхатдан ўтказишдан чиқариш юридик шахсларнинг ягона давлат реестрига уни тугатиш тўғрисидаги ёзув киритилгандан кейин амалга оширилади.

### **III. Хўжалик юритувчи субъект томонидан назорат-касса машинасини қўллаш тартиби**

14. Назорат-касса машинаси ҳар куни иш бошланишидан олдин (хўжалик юритувчи субъектнинг буйруги билан биркитилган) масъул шахс томонидан умумий техник ҳолати, созлиги ҳамда сана ва вақт аниқ кўрсатилиши юзасидан текширилади.

15. Назорат-касса машинаси ёрдамида аҳоли билан ҳисоб-китоб қилувчи хўжалик юритувчи субъектлар харидорга ундан нақд пул қабул қилингандигини тасдиқловчи чекни мажбурий тартибда бериши керак. Назорат-чек лентаси мавжуд бўлмаган тақдирда назорат-касса машинасини қўллашга йўл қўйилмайди.

16. Сотиб олинган товарлар (бажарилган ишлар) ва кўрсатилган хизматлар учун харидорларга бериладиган касса чекларида қуидаги маълумотлар бўлиши керак:

- а) солиқ тўловчининг — хўжалик юритувчи субъектнинг номи ва идентификация рақами;
- б) тўлов суммаси;
- в) товарлар ва хизматлар номи;
- г) тўлов санаси ва вақти;
- д) назорат-касса машинасининг завод рақами;
- е) чекнинг тартиб рақами;
- ж) фискал режим белгиси.

Касса чекларида бошқа реквизитлар ҳам бўлиши мумкин.

17. Хўжалик юритувчи субъект иш куни охирида Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан белгиланадиган шакл бўйича кассир-операциячи томонидан назорат-касса дафтари мажбурий тартибда тўлдирилган ҳолда ҳар бир назорат-касса машинаси бўйича кунлик ҳисботни чиқариб олиши шарт. Қабул қилинган нақд пул миқдорини тасдиқловчи ҳужжатлар тикилади ва хўжалик юритувчи субъект томонидан камида беш календарь йил сақланади.

18. Назорат-касса машинаси тамғаларининг бутлиги учун жавобгарлик шахсан хўжалик юритувчи субъект раҳбарига юкланади.

### **IV. Ўз фаолиятининг хусусиятига кўра аҳоли билан пулли ҳисоб-китобларни фискал хотираға эга бўлган назорат-касса машиналарини қўлламасдан амалга ошириши мумкин бўлган хўжалик юритувчи субъектлар айrim тоифаларининг аҳоли билан ўзаро ҳисоб-китобини ҳисобга олиш тартиби**

Олдинги таҳрирга қаранг.

19. Ушбу қарорга З-илованинг 1-бандида кўрсатилган хўжалик юритувчи субъектлар аҳоли билан ўзаро ҳисоб-китобларни давлат солиқ хизмати органларида рўйхатдан ўтган чипталар, талонлар, чекларни ёки уларга тенглаштирилган бошқа ҳужжатларни мажбурий тартибда берган ҳолда амалга ошириши шарт.

Хўжалик юритувчи субъект чипталар, талонлар, чекларни ёки уларга тенглаштирилган бошқа ҳужжатларни рўйхатдан ўтказиш учун аҳоли билан пулли ҳисоб-китобларни амалга ошириш бошлангунга қадар давлат солиқ хизмати органларига

мурожаат қиласи. Давлат солиқ хизмати органлари кўрсатиб ўтилган хужжатларни икки кун муддатда рўйхатдан ўтказади.

Хўжалик юритувчи субъектнинг давлат солиқ хизмати органларида рўйхатдан ўтказилган чипталари, талонлари, чеклари ёки уларга тенглаштирилган бошқа хужжатлари қатъий ҳисобот бериладиган бланкалар ҳисобланади.

Шаҳар ва шаҳар атрофи транспорт воситаларида йўловчиларни ташиш учун расмийлаштирилган йўлкира чипталари, шунингдек чипталар, талонлар, чеклар ёки уларга тенглаштирилган бошқа хужжатлар уларни сотишда фискал хотирага эга бўлган назорат-касса машинаси қўлланилган тақдирда рўйхатдан ўтказилмайди.

Хўжалик юритувчи субъектлар электрон чипталарни, шунингдек хизматларни кўрсатувчилар томонидан тартиб рақами қўйилмаган ва қатъий ҳисобот бериладиган бланкалар ҳисобланмайдиган бошқа хужжатларни сотишда фискал хотирага эга бўлган назорат-касса машинасини қўллаши шарт.

Механик аппаратлар (автоматлар) воситасида нақд пул маблағлари тўланган ҳолда аҳоли билан ўзаро ҳисоб-китоб қилиш ҳам фискал хотирага эга бўлган назорат-касса машинаси (фискал регистраторлар) мажбурий қўлланилган ҳолда амалга оширилиши керак.

(19-банд *Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 7 июндаги 147-сонли карори таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2014 й., 24-сон, 288-модда)*

20. Квитанциялар, чипталар, талонлар ёки чекка тенглаштирилган бошқа хужжатларни ёзмасдан ёки зарур тарзда рўйхатдан ўтказилмаган квитанциялар, чипталар, талонлар ёки чекка тенглаштирилган бошқа хужжатларни ёзиб ўзаро ҳисоб-китобларни амалга ошириш, қонун хужжатларига мувофиқ жавобгарликка тортилган ҳолда, назорат-касса машинасини қўлламасдан ўзаро ҳисоб-китобни амалга оширишга тенглаштирилади.

21. Ўз фаолиятининг хусусиятига кўра аҳоли билан пулли ҳисоб-китобларни фискал хотирага эга бўлган назорат-касса машиналарини қўлламасдан амалга ошириши мумкин бўлган хўжалик юритувчи субъектлар ўз хоҳишига кўра ҳисоб-китобларни назорат-касса машинасини қўллаган ҳолда амалга ошириш ҳуқуқига эга. Аҳоли билан ҳисоб-китобларни назорат-касса машинасини қўллаган ҳолда амалга оширишни истаган хўжалик юритувчи субъектларга назорат-касса машинасини рўйхатдан ўтказиш ва уни қўллашнинг умумий тартиби жорий этилади.

## V. Касса операцияларини юритиш

22. Хўжалик юритувчи субъектлар томонидан касса операцияларини юритиш қонун хужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

23. Товарни қайтариш, алмаштириш, унинг камчиликларини бепул бартараф этиш, зарур сифатга эга бўлган товарга айирбошлиш, шунингдек харидорга (буортмачига) камчиликлари бўлган товарларни сотишда унинг ҳуқуқлари қонун хужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

24. Назорат-касса машинасининг фискал хотирасига киритилган нақд тушум суммасини қайтариш ушбу Низомнинг [6-иловасига](#) мувофиқ расмийлаштирилади.

## VI. Назорат-касса машиналарига техник хизмат кўрсатадиган ва уларни таъмирлайдиган хўжалик юритувчи субъектларга қўйиладиган алоҳида талаблар

25. Хизмат кўрсатувчи ташкилот назорат-касса машиналарини таъмирлаш ва уларга техник хизмат кўрсатиш учун тегишли моддий-техник базага, асбоб-ускуналар, амалий дастурлар (версиялар), эҳтиёт қисмларга, норматив ва фойдаланиш хужжатларига, зарур шарт-шароитлар ва мутахассисларга эга бўлиши керак.

26. Хизмат кўрсатувчи ташкилотлар таъмирлаш юзасидан буюртмаларни қабул қилиш пунктини ва телефон рақамини кўрсатган ҳолда хўжалик юритувчи субъектларда сервис хизматлари кўрсатиш билан банд бўлган биркитилган мутахассислар тўғрисида тегишли давлат солиқ хизмати органларини ёзма равишда хабардор қилиши шарт.

Буюртмаларни қабул қилиш ва таъмираш учун хизмат кўрсатувчи ташкилотларнинг давлат солиқ хизмати органлари биноларида жойлашишига йўл қўйилмайди.

27. Хизмат кўрсатувчи ташкилотларга давлат солиқ хизмати органларининг ваколатли мутахассиси иштирокисиз ва тамғалашнинг ҳолатини текшириш далолатномаси тузмасдан назорат-касса машинаси тамғасини бузишга рухсат берилмайди.

Агар ушбу Низомнинг [12-банди](#) талабларига мувофиқ далолатнома тузилган тақдирда давлат солиқ хизмати органлари мутахассисининг иштирокисиз носоз назорат-касса машинасини таъмираш учун тамғани бузишга йўл қўйилади.

28. Хизмат кўрсатувчи ташкилот назорат-касса машинасини унга хизмат кўрсатиш учун биринчи марта қабул қилишда назорат-касса машинасининг ҳолатини техник кўрикдан ўтказиши, шу жумладан завод тамғалари бутлигини ва унинг дастурий таъминланганини текшириши шарт.

Хизмат кўрсатувчи ташкилот назорат-касса машинаси хизмат кўрсатиш учун қабул қилиб олинган пайтдан бошлаб назорат-касса машинасининг белгиланган техник талабларга мувофиқлиги юзасидан жавоб беради.

29. Хизмат кўрсатувчи ташкилот бир кун мобайнида давлат солиқ хизмати органларига тамға бузилганлиги ва назорат-касса машинасини дастурий таъмираш версиялари ноқонуний ўзгартирилганлиги тўғрисида хабар бериши шарт.

## **VII. Назорат-касса машинаси қўлланишини назорат қилиш**

30. Товарлар сотиладиган (ишлар бажариладиган ва хизматлар кўрсатиладиган) жойларда аҳоли билан назорат-касса машинаси орқали ҳисоб-китобни амалга оширишда пул маблағларининг тўлиқ ҳисобга олинишини назорат қилиш қонун ҳужжатларига мувофиқ давлат солиқ хизмати органлари томонидан амалга оширилади.

Назорат тартибида харид қилиш, назорат-касса машинасининг олдин урилган чекларини фискал хотира кўрсаткичлари билан солишириш, фискал хотира кўрсаткичларини касса дафтаридаги ёзувлар билан таққослаш, техник талабларга мувофиқлик юзасидан назорат-касса машинасининг ҳолатини экспертиздан ўтказиш йўли билан амалга оширилиши мумкин.

31. Қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга ошириладиган текширишлар даврида давлат солиқ хизмати органлари хизмат кўрсатувчи ташкилотларнинг мутахассисларини назорат-касса машинаси бўйича техник экспертлар (маслаҳатчилар) сифатида жалб этиш хуқуқига эга.

32. Аниқланган қоидабузишлар белгиланган тартибда далолатнома билан расмийлаштирилади. Техник талабларга мувофиқ бўлмаган, шу жумладан фискал хотирага хизмат кўрсатишнинг дастурий маҳсулоти (версияси) бузилган ҳолда назорат-касса машинасидан фойдаланилганлиги тўғрисида шубҳа/белги мавжуд бўлган тақдирда далолатномага қўшимча равишда ушбу Низомнинг [7-иловасига](#) мувофиқ шакл бўйича баённома тузилади, айни бир вақтнинг ўзида назорат-касса машинаси олиб қўйилади.

33. Назорат-касса машинаси олиб қўйилган хўжалик юритувчи субъектга давлат солиқ хизмати органлари томонидан эксперт хulosаси олингунгача ва масала мазмунан кўриб чиқилгунгача (хўжалик юритувчи субъектда бошқа рўйхатдан ўтказилган назорат-касса машинаси бўлмаганда) аҳоли билан ўзаро ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун ушбу Низомнинг [3-иловасига](#) мувофиқ шакл бўйича квитанциялар дафтари берилади.

34. Давлат солиқ хизмати органлари томонидан олиб қўйилган назорат-касса машинаси техник экспертизани амалга ошириш учун ушбу назорат-касса машинасини таъмирамайдиган ва унга техник хизмат кўрсатмайдиган мустақил ташкилотларга берилади. Ушбу ташкилотларнинг хизматлари ҳақи хўжалик юритувчи субъект томонидан тўланади.

35. Техник экспертизани амалга оширувчи мустақил ташкилот экспертизани назорат-касса машинаси олинган кундан бошлаб уч иш кунидан ортиқ бўлмаган муддатда ўтказиши шарт.

Экспертиза қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ўтказилади.

36. Техник экспертизани амалга оширувчи мустақил ташкилотнинг фискал хотирага хизмат кўрсатувчи дастур бузилмаганлиги тўғрисидаги хulosаси олинган тақдирда назорат-касса машинаси хўжалик юритувчи субъектга қайтарилади.

### **ВIII. Ахоли билан пулли ҳисоб-китобларни амалга оширувчи ҳамда назорат-касса машинасига техник хизмат кўрсатиш ва уни таъмирлаш билан шуғулланувчи хўжалик юритувчи субъектларнинг жавобгарлиги**

37. Назорат-касса машинасини қўллаш мажбурий бўлганда уни қўлламасдан, шунингдек квитанция ёзиш, талонлар ёки уларга тенглаштирилган бошқа ҳужжатларни бериш мажбурий бўлганда харидорга квитанция ёзмасдан, талонлар ёки унга тенглаштирилган бошқа ҳужжатларни бермасдан товарлар сотилганда (ишлар бажарилганда ва хизматлар кўрсатилганда) айбдор шахслар ва хўжалик юритувчи субъектлар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

38. Сертификатга эга бўлмаган ва белгиланган ягона техник талабларга жавоб бермайдиган назорат-касса машинасидан фойдаланган ҳолда чек бериш қонун ҳужжатларига мувофиқ айбдор шахсларни жавобгарликка тортиш учун асос ҳисобланади.

39. Назорат-касса машинасининг маҳаллий ишлаб чиқарувчилари, етказиб берувчилари ва улардан фойдаланувчилар фойдаланилаётган назорат-касса машиналарининг белгиланган техник талабларга мувофиқлиги, машиналар фискал хотирасига хизмат кўрсатиш дастурининг даромад яширилишига олиб келадиган даражада ноқонуний ўзгартирилиши юзасидан қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

40. Хизмат кўрсатувчи ташкилот таъмирлаш ва тамғалаш бўйича талабларга қатъий риоя қилиниши юзасидан жавоб беради.

**Ахоли билан пулли ҳисоб-китобларни амалга оширишда фискал хотирага эга бўлган назорат-касса машиналарини қўллаш тартиби тўғрисидаги низомга  
1-ИЛОВА**

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

**Фискал хотирага эга бўлган назорат-касса машинасини фискал хотирага эга бўлган назорат-касса машинасининг рўйхатдан ўтказиш карточкасини берган ҳолда фаолият амалга ошириладиган жой бўйича давлат солиқ хизмати органларида рўйхатдан ўтказиш тартиби**

#### **I. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикасининг Солик кодексига ва «Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конунига мувофиқ ушбу Тартибга 1-иловага мувофиқ схема бўйича фискал хотирага эга бўлган назорат-касса машинасининг рўйхатдан ўтказиш карточкасини берган ҳолда фискал хотирага эга бўлган назорат-касса машинасини фаолият амалга ошириладиган жой (кейинги ўринларда турғун шохобча жойлашган жой деб аталади) бўйича давлат солиқ хизмати органларида рўйхатдан ўтказиш тартиботини белгилайди.

Фискал хотирага эга бўлган назорат-касса машинасининг рўйхатдан ўтказиш карточкаси:

турғун шохобча жойлашган жой бўйича давлат солиқ хизмати органлари томонидан амал қилиш муддатисиз берилади;

фискал хотирага эга бўлган назорат-касса машинаси рўйхатдан ўтказилганлигидан ёки рўйхатдан ўтказишдан чиқарилганлигидан гувоҳлик беради;

ахоли билан нақд пулли ҳисоб-китоб қилиб товарларни сотиш, ишларни бажариш, хизматлар кўрсатиш хуқуқини берувчи рухсат бериш хусусиятига эга бўлган ҳужжат ҳисобланади.

2. Ушбу Тартибнинг талаблари аҳоли билан нақд пулли ҳисоб-китоб қилиб товарларни сотиш, ишларни бажариш, хизматлар кўрсатишида фискал хотирага эга бўлган назорат-касса машинасини қўлловчи юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорларга (кейинги ўринларда хўжалик юритувчи субъект деб аталади) жорий этилади, ўз фаолиятининг ўзига хослиги туфайли аҳоли билан пулли ҳисоб-китобларни фискал хотирага эга бўлган назорат-касса машиналарини қўлламасдан амалга ошириши мумкин бўлган юридик ва жисмоний шахсларнинг айрим тоифалари бундан мустасно.

3. Фискал хотирага эга бўлган назорат-касса машинаси хўжалик фаолиятида қўлланилгунга қадар хўжалик юритувчи субъектга фискал хотирага эга бўлган назорат-касса машинасининг рўйхатдан ўтказиш карточкаси берилган ҳолда давлат солиқ хизмати органларида рўйхатдан ўтказилиши керак.

## **II. Рухсат берувчи талаблар ва шартлар**

4. Фискал хотирага эга бўлган назорат-касса машинасини қўллаган ҳолда аҳоли билан нақд пулли ҳисоб-китоб қилиб товарларни сотиш, ишларни бажариш, хизматлар кўрсатишида қуидагилар рухсат берувчи талаблар ва шартларга тегишли бўлади:

ушбу Тартибнинг [5-бандида](#) назарда тутилган ишончли маълумотлар ва ҳужжатларни тақдим этиш;

фискал хотирага эга бўлган назорат-касса машинасининг белгиланган ягона техник талабларга мувофиқлиги;

хўжалик юритувчи субъект — юридик шахс учун — турғун шохобчанинг номидаги ва (ёки) жойлашган жойи (почта манзили)даги ва (ёки) дислокациясидаги ўзгаришлар, шунингдек унинг тугатилиши; давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги берилган гувоҳномада кўрсатилган исми ёки фамилияси, отасининг исми, турғун шохобчанинг жойлашган жойи ўзгариши, шунингдек якка тартибдаги тадбиркор учун — хўжалик юритувчи субъект фаолияти тўхтатилиши рўйхатдан ўтказилгандан кейин етти иш куни мобайнида давлат солиқ хизмати органларини хабардор қилиш;

фискал хотирага эга бўлган назорат-касса машинасини қўллашга қўйиладиган талабларга тегишли қонун ҳужжатлари нормаларига сўзсиз риоя қилиш.

## **III. Фискал хотирага эга бўлган назорат-касса машинасининг рўйхатдан ўтказиш карточкасини олиш учун зарур бўлган ҳужжатлар**

5. Хўжалик юритувчи субъект фискал хотирага эга бўлган назорат-касса машинасининг рўйхатдан ўтказиш карточкасини олиш учун турғун шохобча жойлашган жой бўйича давлат солиқ хизмати органларига қуидаги ҳужжатларни тақдим этади:

а) хўжалик юритувчи субъект тўғрисидаги қуидаги маълумотлар кўрсатилган ҳолда рўйхатдан ўтказиш карточкасини бериш хақидаги ариза:

юридик шахслар учун — номи, жойлашган жойи (почта манзили), ташкилий-хукуқий шакли, солиқ тўловчининг идентификация рақами, банк реквизитлари, алоқа қилинадиган телефонлар, раҳбарнинг фамилияси, исми ва отасининг исми ҳамда турғун шохобча жойлашган жойнинг манзили;

якка тартибдаги тадбиркорлар учун — фамилияси, исми ва отасининг исми, паспортидаги маълумотлар, почта манзили, турғун шохобча жойлашган жойнинг манзили, солиқ тўловчининг идентификация рақами, банк реквизитлари, алоқа қилинадиган телефонлар;

б) хўжалик юритувчи субъект давлат рўйхатидан ўтказилгандиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси;

в) сертификатлаш бўйича аккредитация қилинган органлар томонидан берилган фискал хотирага эга бўлган назорат-касса машинасининг мувофиқлик сертификати нусхаси;

г) турғун шохобча мавжудлигини тасдиқлайдиган ҳужжатларнинг нусхалари (бинонинг ижара шартномаси, ордер (далолатнома ва шу кабилар);

д) агар қонун хужжатларида ўзгача ҳол назарда тутилмаган бўлса нақд пул тушуми хизмат кўрсатувчи банк билан инкасация қилинганлиги тўғрисидаги шартноманинг нусхаси ёхуд хисоб-китоб рақами мавжудлиги тўғрисида хизмат кўрсатувчи банк билан тузилган шартноманинг нусхаси;

е) фискал хотирага эга бўлган назорат-касса машинасига техник хизмат кўрсатиш ва уни таъмирлашга тузилган шартноманинг нусхаси;

ж) фискал хотирага эга бўлган назорат-касса машинасининг хизмат кўрсатиш дастурлари ва фискал хотирага эга бўлган назорат-касса машинасининг фискал хотираси дастурлари ҳолати, шунингдек бегона техник ўзгаришлар йўқлиги (бирор-бир ташки ўзгаришлар йўқлиги ва этalon версияларга мувофиқлик) юзасидан хизмат кўрсатувчи ташкилотнинг хуносаси нусхаси;

з) тартиб рақами қўйилган ва ип ўтказиб тикилган, хўжалик юритувчи субъектнинг муҳри билан тасдиқланган кассир-операциячининг назорат-касса дафтари (фискал хотирага эга бўлган назорат-касса машинасининг рўйхатдан ўтказиш карточкасини беришда ариза берувчига қайтарилади);

и) хисобдан чиқариш тўғрисида белги қўйилган ҳолда фискал хотирага эга бўлган назорат-касса машинасининг олдинги рўйхатдан ўтказилишини ва рўйхатдан ўтказиш карточкасини хисобдан чиқаришда — фискал хотирага эга бўлган назорат-касса машинасининг фискал хотираси хисоблагичининг кўрсаткичларини қайд этиш далолатномасининг нусхаси (агар фискал хотирага эга бўлган назорат-касса машинаси олдин рўйхатдан ўтказилган ва рўйхатдан ўтказишдан чиқарилган бўлса).

6. Давлат солиқ хизмати органлари тақдим этилган хужжатларнинг тўғрилигини текширгандан кейин фискал хотирага эга бўлган назорат-касса машинасининг фискал хотирасидан фойдаланишни кодлаштиради. Шундан кейин хизмат кўрсатувчи ташкилотнинг мутахассиси томонидан ишга тушириш — созлаш ишлари амалга оширилади, бу ҳақда назорат чеки илова қилинган ҳолда ушбу Тартибга [2-иловага](#) мувофиқ шакл бўйича З нусхада фискал хотирага эга бўлган назорат-касса машинасининг фискал хотираси хисоблагичининг кўрсаткичларини қайд этиш далолатномаси тузилади.

Фискал хотирага эга бўлган назорат-касса машинасининг фискал хотираси хисоблагичи кўрсаткичларини қайд этиш далолатномасини тузиш тугаллангандан кейин давлат солиқ хизмати органлари тамға ўрнатади.

7. Хўжалик юритувчи субъектдан ушбу Тартибнинг [5-бандида](#) назарда тутилмаган хужжатлар тақдим этилишини талаб қилишга йўл қўйилмайди.

8. Фискал хотирага эга бўлган назорат-касса машинасининг рўйхатдан ўтказиш карточкасини олиш учун ариза беришда ушбу Тартибнинг [5-бандида](#) санаб ўтилган хужжатларнинг икки нусхада рўйхати тузилади, бир нусхаси қабул қилинган сана тўғрисида белги қўйилган ҳолда ариза берувчига берилади (юборилади).

#### **IV. Фискал хотирага эга бўлган назорат-касса машинасининг рўйхатдан ўтказиш карточкасини бериш тўғрисидаги аризани қўриб чиқиш, уни бериш ёхуд беришини рад этиш тўғрисида қарор қабул қилиш**

9. Фискал хотирага эга бўлган назорат-касса машинасининг рўйхатдан ўтказиш карточкасини олиш тўғрисида хўжалик юритувчи субъектнинг аризаси давлат солиқ хизмати органлари томонидан қўриб чиқилганлиги ва фискал хотирага эга бўлган назорат-касса машинасининг рўйхатдан ўтказиш карточкаси берилганлиги учун йиғим ундирилмайди.

10. Давлат солиқ хизмати органлари ариза ва ушбу Тартибнинг [5-бандида](#) назарда тутилган барча зарур хужжатлар олинган пайтдан бошлаб беш иш кунидан кеч бўлмаган муддатда хўжалик юритувчи субъектнинг аризасини қўриб чиқади ва фискал хотирага эга бўлган назорат-касса машинасининг рўйхатдан ўтказиш карточкасини беради.

11. Фискал хотирага эга бўлган назорат-касса машинасининг рўйхатдан ўтказиш карточкасини беришини рад этиш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда давлат солиқ хизмати органлари тегишли қарор қабул қилинган санадан бошлаб бир иш кунидан

кечикмай хўжалик юритувчи субъектни рад этишнинг аниқ сабабларини, қонун хужжатларининг аниқ нормаларини ва хўжалик юритувчи субъект кўрсатиб ўтилган сабабларни бартараф этиб такроран кўриб чиқиш учун ушбу Тартибнинг [5-бандида](#) назарда тутилган хужжатларни тақдим этиши мумкин бўлган муддат кўрсатилган ҳолда ёзма ёки электрон шаклда унга фискал хотираға эга бўлган назорат-касса машинасининг рўйхатдан ўтказиш карточкасини бериш рад этилганлигидан хабардор қиласди.

Электрон шаклда берилган маълумотнома ёки билдиришнома қоғоздаги хужжатга тенглаштирилади ва у билан бир хил юридик кучга эга бўлади.

Хўжалик юритувчи субъект рад этишнинг сабабларини бартараф этишга ва такроран кўриб чиқиш учун хужжатларни тақдим этишга ҳақли бўлган муддат фискал хотираға эга бўлган назорат-касса машинасининг рўйхатдан ўтказиш карточкасини бериш рад этилганлиги тўғрисидаги ёзма ёки электрон билдиришнома олинган кундан бошлаб ўн иш кунидан кам бўлмаслиги керак.

12. Давлат солиқ хизмати органлари қўйидаги ҳолларда:

а) хўжалик юритувчи субъект томонидан фискал хотираға эга бўлган назорат-касса машинасининг рўйхатдан ўтказиш карточкасини бериш учун зарур бўлган хужжатлар тўлиқ ҳажмда тақдим этилмаган;

б) хўжалик юритувчи субъект рухсат берувчи талаблар ва шартларга мувофиқ бўлмаган;

в) хўжалик юритувчи субъект томонидан тақдим этилган хужжатларда тўғри бўлмаган ёки бузилган маълумотлар мавжуд бўлган ҳолларда ушбу Тартибнинг 11-банди [биринчи хатбошида](#) назарда тутилган муддатда хўжалик юритувчи субъектга фискал хотираға эга бўлган назорат-касса машинасининг рўйхатдан ўтказиш карточкасини беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қиласди.

Бошқа асослар, шу жумладан мақсадга мувофиқ эмаслиги сабаби билан фискал хотираға эга бўлган назорат-касса машинасининг рўйхатдан ўтказиш карточкасини бериш рад этилишига йўл қўйилмайди.

13. Агар давлат солиқ хизмати органлари ушбу Тартибнинг [10-бандида](#) назарда тутилган муддат мобайнида хўжалик юритувчи субъектни фискал хотираға эга бўлган назорат-касса машинасининг рўйхатдан ўтказиш карточкасини бериш рад этилиши тўғрисида хабардор қилмаган ёки фискал хотираға эга бўлган назорат-касса машинасининг рўйхатдан ўтказиш карточкасини бермаган тақдирда, у ҳолда хўжалик юритувчи субъект давлат солиқ хизмати органларини ёзма равишда хабардор қилиб фискал хотираға эга бўлган назорат-касса машинасини қўллаган ҳолда аҳоли билан нақд пулли ҳисоб-китоб қилиб товарларни сотиш, ишларни бажариш, хизматлар кўрсатиш хукуқига эга бўлади.

Фискал хотираға эга бўлган назорат-касса машинасининг рўйхатдан ўтказиш карточкаси олингунга қадар тақдим этилган хужжатларнинг қабул қилинган сана тўғрисида белги қўйилган рўйхати ва хўжалик юритувчи субъект томонидан давлат солиқ хизмати органларига юборилган ёзма билдиришнома рухсат берувчи хусусиятга эга бўлган хужжатга тенглаштирилади ва фискал хотираға эга бўлган назорат-касса машинасини қўллаган ҳолда аҳоли билан нақд пулли ҳисоб-китоб қилиб товарларни сотиш, ишларни бажариш, хизматлар кўрсатиш учун асос ҳисобланади.

Бунда давлат солиқ хизмати органлари хўжалик юритувчи субъектнинг ёзма билдиришномаси олингандан кейин беш иш кунидан кеч бўлмаган муддатда фискал хотираға эга бўлган назорат-касса машинасининг рўйхатдан ўтказиш карточкасини бериши шарт.

14. Фискал хотираға эга бўлган назорат-касса машинасининг рўйхатдан ўтказиш карточкасини беришни рад этиш учун асос бўлган сабаблар ариза берувчи томонидан бартараф этилган тақдирда, хужжатларни такроран кўриб чиқиш тақрорий ариза олинган санадан бошлаб бир иш кунидан кеч бўлмаган муддатда амалга оширилади.

Аризани такроран кўриб чиқишида олдин рад этиш тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилмаган янги асослар бўйича фискал хотирага эга бўлган назорат-касса машинасининг рўйхатдан ўтказиш карточкасини беришни рад этишга йўл қўйилмайди, олдин кўрсатилган сабаблар бартараф этилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар билан боғлиқ рад этиш сабаблари келтирилиши бундан мустасно.

Фискал хотирага эга бўлган назорат-касса машинасининг рўйхатдан ўтказиш карточкасини бериш муддати такрорий ариза берилган пайтдан бошлаб уч иш кунидан ошмаслиги керак.

Хўжалик юритувчи субъектнинг аризаси такроран кўриб чиқилганлиги учун ийғим ундирилмайди.

15. Ушбу Тартибнинг [11-бандида](#) кўрсатилган муддат тамом бўлгандан кейин хўжалик юритувчи субъект томонидан берилган фискал хотирага эга бўлган назорат-касса машинасининг рўйхатдан ўтказиш карточкасини бериш тўғрисидаги такрорий ариза янгидан берилган ариза деб ҳисобланади ва давлат солиқ хизмати органларида умумий асосларда кўриб чиқиласди.

16. Хўжалик юритувчи субъект давлат солиқ хизмати органларининг фискал хотирага эга бўлган назорат-касса машинасининг рўйхатдан ўтказиш карточкасини беришни рад этиш тўғрисидаги қарори, шунингдек давлат солиқ хизмати органларининг мансабдор шахсининг хатти-ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан белгиланган тартибда шикоят қилиш ҳуқуқига эгадир.

17. Хўжалик юритувчи субъект ва берилган фискал хотирага эга бўлган назорат-касса машинасининг рўйхатдан ўтказиш карточкаси тўғрисидаги маълумотлар давлат солиқ хизмати органларида ушбу Тартибга [3-иловага](#) мувофиқ шакл бўйича юритиладиган фискал хотирага эга бўлган назорат-касса машинасининг рўйхатдан ўтказиш дафтарига киритилади.

18. Давлат солиқ хизмати органларида ҳар бир рўйхатдан ўтказилган фискал хотирага эга бўлган назорат-касса машинасига алоҳида ҳужжатлар йиғмажилди юритилади, унга ушбу фискал хотирага эга бўлган назорат-касса машинаси билан боғлиқ барча ҳужжатлар, шу жумладан техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш бўйича материаллар тиркаб қўйилади.

19. Давлат солиқ хизмати органлари хўжалик юритувчи субъектга ушбу Тартибга [4-иловага](#) мувофиқ шакл бўйича ҳар бир рўйхатдан ўтказилган фискал хотирага эга бўлган назорат-касса машинасига алоҳида фискал хотирага эга бўлган назорат-касса машинасининг рўйхатдан ўтказиш карточкасини беради ва кассир-операциячининг назорат-касса дафтарини муҳр билан тасдиқлайди.

## **V. Фискал хотирага эга бўлган назорат-касса машинасининг рўйхатдан ўтказиш карточкасини қайта расмийлаштириш, унинг дубликатини бериш**

20. Хўжалик юритувчи субъект қайта тузилган, унинг номи (якка тартибдаги тадбиркор учун — фамилияси, исми, отасининг исми) ва туман (шаҳар) доирасида турғун шохобча жойлашган жой ўзгарган тақдирда хўжалик юритувчи субъект ёхуд унинг ҳуқуқий вориси қайта рўйхатдан ўтказилгандан кейин етти иш куни мобайнода фискал хотирага эга бўлган назорат-касса машинасининг рўйхатдан ўтказиш карточкасига тегишли ўзгаришларни киритиш учун давлат солиқ хизмати органларига:

а) турғун шохобча жойлашган жойнинг олдинги ва янги манзили кўрсатилган аризани;

б) фискал хотирага эга бўлган назорат-касса машинасининг рўйхатдан ўтказиш карточкасини;

в) янги манзил бўйича турғун шохобча мавжудлигини тасдиқлайдиган ҳужжатларни;

г) турғун шохобчанинг янги манзили бўйича хизмат кўрсатувчи банк билан накд пул тушуми инкасацияси тўғрисидаги шартноманинг нусхасини тақдим этиши керак.

21. Фискал хотирага эга бўлган назорат-касса машинасининг рўйхатдан ўтказиш карточкасини олиш ва қайта расмийлаштириш учун зарур бўлган хужжатлар хўжалик юритувчи субъект томонидан давлат солиқ хизмати органларига бевосита, олингандилиги тўғрисидаги билдиришнома берилган ҳолда почта алоқаси воситалари орқали ёки электрон шаклда тақдим этилади. Электрон шаклда тақдим этилган хужжатлар хўжалик юритувчи субъектнинг электрон рақамли имзоси билан тасдиқланади.

22. Фискал хотирага эга бўлган назорат-касса машинасининг рўйхатдан ўтказиш карточкасини қайта расмийлаштириш тўғрисида давлат солиқ хизмати органларига ариза берган хўжалик юритувчи субъект ёки унинг ҳукукий вориси (меросхўр) ўз фаолиятини ушбу Тартибнинг [10-бандида](#) назарда тутилган муддат мобайнида ариза қабул қилинган сана тўғрисида давлат солиқ хизмати органларининг белгиси қўйилган фискал хотирага эга бўлган назорат-касса машинасининг рўйхатдан ўтказиш карточкасини қайта рўйхатдан ўтказиш тўғрисида берилган ариза асосида амалга оширади.

23. Давлат солиқ хизмати органлари тақдим этилган хужжатларнинг тўғрилиги ва ишончлилигини текширгандан кейин ушбу Тартибнинг [10-бандида](#) назарда тутилган муддатда тегишли ўзгартиришларни киритади ва фискал хотирага эга бўлган назорат-касса машинасининг рўйхатдан ўтказиш карточкасини беради, хўжалик юритувчи субъект томонидан тақдим этилган хужжатлар эса фискал хотирага эга бўлган назорат-касса машинасининг хужжатлар йиғмажилдига тиркаб қўйилади.

24. Фискал хотирага эга бўлган назорат-касса машинасининг рўйхатдан ўтказиш карточкаси йўқолган ёхуд яроқсиз ҳолга келган тақдирда хўжалик юритувчи субъектнинг аризасига кўра унинг дубликати берилади.

Бунда яроқсиз ҳолга келган тақдирда аризага фискал хотирага эга бўлган назорат-касса машинасининг рўйхатдан ўтказиш карточкаси илова қилинади.

Давлат солиқ хизмати органлари фискал хотирага эга бўлган назорат-касса машинасининг рўйхатдан ўтказиш карточкаси дубликатини ушбу Тартибнинг [10-бандида](#) назарда тутилган муддатда бериши шарт.

25. Фискал хотирага эга бўлган назорат-касса машинасининг рўйхатдан ўтказиш карточкаси қайта расмийлаштирилганлиги ва дубликат берилганлиги учун йиғим ундирилмайди.

## **VI. Назорат-касса машинасини рўйхатдан чиқариш тартиби**

26. Хўжалик юритувчи субъект тугатилган (фаолияти тўхтатилган), фискал хотирага эга бўлган назорат-касса машинаси мазкур хўжалик юритувчи субъектда фойдаланишдан чиқарилган ҳолларда у рўйхатдан мажбурий чиқарилиши керак.

Хўжалик юритувчи субъектнинг турғун шохобчаси жой үзгарган тақдирда, фискал хотирага эга бўлган назорат-касса машинаси рўйхатдан ўтказишдан чиқарилиши шарт, ушбу Тартибнинг [20-бандида](#) назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

27. Фискал хотирага эга бўлган назорат-касса машинасини рўйхатдан чиқариш учун (ушбу Тартибнинг 26-банди [биринчи хатбошида](#) назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно) давлат солиқ хизмати органи бошлиғи номига ариза тақдим этиш, унда хўжалик юритувчи субъектнинг реквизитларини (номи (Ф.И.О.), солиқ тўловчининг идентификация рақами, манзили), назорат-касса машинасининг моделини ва завод рақамини, рўйхатдан ўтказишдан чиқариш сабабларини кўрсатиш зарур.

28. Аризага қуйидаги хужжатлар илова қилинади:

а) фискал хотирага эга бўлган назорат-касса машинасининг рўйхатдан ўтказиш карточкаси;

б) ушбу турғун шохобчада бошқа фискал хотирага эга бўлган назорат-касса машинаси рўйхатдан ўтказилмаган тақдирда — инкассация хизматида тасдиқланган фаолиятнинг тугалланганлиги тўғрисидаги хат-билдиришноманинг нусхаси.

в) кассир-операциячининг назорат-касса дафтари.

29. Давлат солиқ хизмати органлари ариза ва илова қилинадиган хужжатлар олингандан кейин бошлиқнинг (ёки унинг ўринбосарининг) буйруғи асосида тақдим этилган хужжатларнинг тўғрилиги ва ишончлилигини уч кун муддатда текширади, назорат-касса машинаси рўйхатдан ўтказилган бутун давр учун жойнинг ўзида фискал хотиранинг якуний кўрсаткичларини чиқариб олади, бу ҳақда ушбу Тартибга [2-иловага](#) мувофиқ шакл бўйича фискал хотирага эга бўлган назорат-касса машинасининг фискал хотираси ҳисоблагиchi кўrсаткичларини қайд этиш далолатномаси тузилади.

30. Давлат солиқ хизмати органларининг масъул мансабдор шахси фискал хотирага эга бўлган назорат-касса машинасининг рўйхатдан ўтказиш карточкасига ва фискал хотирага эга бўлган назорат-касса машинасини рўйхатдан ўтказиш дафтарига тегишли ёзувларни киритади.

31. Фискал хотирага эга бўлган назорат-касса машинасининг рўйхатдан ўтказиш карточкасига ва фискал хотирага эга бўлган назорат-касса машинасини рўйхатдан ўтказиш дафтарига тегишли ўзгартиришлар киритилгандан кейин кассир-операциячининг назорат-касса дафтари ва фискал хотирага эга бўлган назорат-касса машинасини рўйхатдан ўтказиш карточкаси хўжалик юритувчи субъектга қайтарилади.

32. Фискал хотирага эга бўлган назорат-касса машинаси йўқотилган ёхуд ўғирланган тақдирда ҳодиса юз берган пайтдан бошлаб бир иш кунидан кечикмай хўжалик юритувчи субъект давлат солиқ хизмати органларига бевосита, ушбу ариза олинганилиги тўғрисидаги билдиришнома берилган ҳолда почта алоқаси воситалари ёки электрон шаклда ариза беради.

Аризага фискал хотирага эга бўлган назорат-касса машинасининг рўйхатдан ўтказиш карточкаси илова қилинади.

33. Хўжалик юритувчи субъект томонидан фискал хотирага эга бўлган назорат-касса машинаси йўқолганлиги (ўғирланганлиги) тўғрисида ариза берилган тақдирда давлат солиқ хизмати органларининг масъул мансабдор шахси юқори худудий бошқармани хабардор қиласи.

## **VII. Давлат солиқ органларида фискал хотирага эга бўлган назорат-касса машинасининг рўйхатдан ўтказиш карточкалари ҳисобини юритиши**

34. Давлат солиқ хизмати органлари фискал хотирага эга бўлган назорат-касса машинасининг рўйхатдан ўтказиш карточкалари реестрини юритади ва уларни Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг расмий веб-сайтига жойлаштиради.

Фискал хотирага эга бўлган назорат-касса машинасининг рўйхатдан ўтказиш карточкалари реестрида хўжалик юритувчи субъектлар тўғрисидаги қуидаги асосий маълумотлар бўлиши керак:

хўжалик юритувчи субъектлар — юридик шахсларнинг номи, уларнинг ташкилий-хуқуқий шакли, почта манзили, телефоны;

хўжалик юритувчи субъектлар — якка тартибдаги тадбиркорлар — жисмоний шахсларнинг фамилияси, исми, отасининг исми, уларнинг паспортидаги маълумотлар, почта манзили, телефоны;

фискал хотирага эга бўлган назорат-касса машинасининг рўйхатдан ўтказиш карточкаси берилган сана ва унинг тартиб рақами;

фискал хотирага эга бўлган назорат-касса машинасининг рўйхатдан ўтказиш карточкасини қайта расмийлаштиришнинг асоси ва сана;

фискал хотирага эга бўлган назорат-касса машинасининг рўйхатдан ўтказиш карточкасини ҳисобдан чиқаришнинг асоси ва сана;

фискал хотирага эга бўлган назорат-касса машинасининг рўйхатдан ўтказиш карточкаси дубликатининг беришнинг асоси ва сана.

35. Фискал хотирага эга бўлган назорат-касса машинасининг рўйхатдан ўтказиш карточкаларини ҳисобга олиш реестридаги маълумотлар хўжалик юритувчи субъектларнинг улар билан танишиши учун очиқдир.

Фискал хотирага эга бўлган назорат-касса машинасини фискал хотирага эга бўлган назорат-касса машинасининг рўйхатдан ўтказиш карточкасини берган ҳолда фаолият амалга ошириладиган жой бўйича давлат солиқ хизмати органларида рўйхатдан ўтказиш тартиби  
1-ИЛОВА

**Фискал хотирага эга бўлган назорат-касса машинасини фискал хотирага эга бўлган назорат-касса машинасининг рўйхатдан ўтказиш карточкасини берган ҳолда фаолият амалга ошириладиган жой бўйича давлат солиқ хизмати органларида рўйхатдан ўтказиш тартиби**

**СХЕМАСИ**

Боскичлар	Тадбирлар	Масъуллар	Муддатлар
I боскич	1. Тартибда назарда тутилган рўйхатта мувофиқ фискал хотирага эга бўлган назорат-касса машинасининг рўйхатдан ўтказиш карточкасини олиш учун зарур бўлган хужжатларни тайёрлаш. 2. Давлат солиқ хизмати органларига хужжатларни бевосита, олинганини тўгрисидаги билдиришнома билан почта алоқаси воситалари орқали ёки электрон шаклда тақдим этади.	Найд пулли хисобкитоб кишиб ахолига товарларни сотиш, ишларни бажариш, хизматлар кўрсатишни мўлжаллаётган хўжалик юритувчи субъект	Хўжалик юритувчи субъектининг хошишига кўра
II боскич	Хужжатларни рўйхат бўйича кабул килади, унинг нусхаси хужжатлар кабул килинган сана тўгрисида белги кўйилган ҳолда ариза берувчига юборилади (топширилади).	Давлат солиқ хизмати органлари	Ариза берилган кунда
III боскич	1. Тақдим этилган хужжатларни ўрганиб чизади ва фискал хотирага эга бўлган назорат-касса машинасининг рўйхатдан ўтказиш карточкасини бериш ёки беришини рад этиш тўгрисида карор кабул килади. 2. Беришини рад этиш тўгрисида карор қабул килинган тақдирда рад этиш сабабларини ёзма шаклда кўрсатиб хўжалик юритувчи субъектни хабардор килади. 3. Рад этилган тақдирда камчиликларни бартараф этади ва хужжатларни тақроран кўриб чиқиш учун тақдим этади.	Давлат солиқ хизмати органлари	1) 5 иш куни мобайнида; 2) рад этиш тўгрисида карор қабул килинган санадан бошлаб бир иш кунидан кечикмай
IV боскич	Фискал хотирага эга бўлган назорат-касса машинасининг рўйхатдан ўтказиш карточкасини хўжалик юритувчи субъектта бериш.	Хўжалик юритувчи субъект	фискал хотирага эга бўлган назорат-касса машинасининг рўйхатдан ўтказиш карточкасини бериш рад этилганлиги тўгрисидаги билдиришномада кўрсатилган муддатда
		Давлат солиқ хизмати органлари	1) ариза берилган пайтдан бошлаб 5 иш кунидан ортиқ эмас; 2) агар хужжатлар тақроран тақдим этилган бўлса, 3 иш кунидан ортиқ эмас

Фискал хотирага эга бўлган назорат-касса машинасини фискал хотирага эга бўлган назорат-касса машинасининг рўйхатдан ўтказиш карточкасини берган ҳолда фаолият амалга ошириладиган жой бўйича давлат солиқ хизмати органларида рўйхатдан ўтказиш тартиби  
2-ИЛОВА

**Фискал хотирага эга бўлган назорат-касса машинаси хисоблагичининг кўрсаткичларини қайд этиш ДАЛОЛАТНОМАСИ**

20 \_\_\_\_ йил «\_\_» №\_\_\_\_\_

Давлат солиқ хизмати органи вакили \_\_\_\_\_

Хўжалик юритувчи субъект вакили \_\_\_\_\_

Техник хизмат кўрсатиш шартномасига мувофиқ фискал хотирага эга бўлган назорат-касса машинасига

хизмат кўрсатувчи ташкилот вакили

Фискал хотирага эга бўлган назорат-касса машинаси унинг номига рўйхатдан ўтказилган хўжалик юритувчи субъектнинг номи ва солик тўловчининг идентификация рақами

Рўйхатдан ўтказилган фискал хотирага эга бўлган назорат-касса машинаси жойлашган жой

Фискал хотирага эга бўлган назорат-касса машинаси модели ва завод рақами

Ишга тушириш-созлаш/рўйхатдан чиқариш пайтида фискал хотирага эга бўлган назорат-касса машинаси фискал хотираси жамловчи ҳисоблагачининг кўрсаткичи \_\_\_\_\_ (назорат чеки илова қилинади).

Фискал хотирага эга бўлган назорат-касса машинасининг фискал хотирасидан фойдаланиш коди

(ҳисобдан чиқаришда кўрсатилади)

Далолатномани тузища шикоятлар ва аризалар тушмади, бу ҳақда 3 нусхада ушбу далолатнома тузилди.

Давлат солик хизмати органи вакили \_\_\_\_\_

Хўжалик юритувчи субъект вакили \_\_\_\_\_

Хизмат кўрсатувчи ташкилот вакили \_\_\_\_\_

Фискал хотирага эга бўлган назорат-касса машинасини фискал хотирага эга бўлган назорат-касса машинасининг рўйхатдан ўтказиш карточкасини берган холда фаолият амалга ошириладиган жой бўйича давлат солик хизмати органларида рўйхатдан ўтказиш [тартибига](#)  
3-ИЛОВА

### Фискал хотирага эга бўлган назорат-касса машиналарини рўйхатдан ўтказиш дафтари

Рўйхатдан ўтказиш рақами	Рўйхатдан ўтказилган сана	Хўжалик юритувчи субъект номи	Рўйхатдан ўтказиладиган фискал хотирага эга бўлган назорат-касса машинаси обьекти жойлашган жой	Рўйхатдан ўтказиладиган фискал хотирага эга бўлган назорат-касса машинаси модели	Фискал хотирага эга бўлган назорат-касса машинасининг завод рақами	Дастурий версия рақами	хоз. наз. маш. хот. фо.

Фискал хотирага эга бўлган назорат-касса машинасини фискал хотирага эга бўлган назорат-касса машинасининг рўйхатдан ўтказиш карточкасини берган холда фаолият амалга ошириладиган жой бўйича давлат солик хизмати органларида рўйхатдан ўтказиш [тартибига](#)  
4-ИЛОВА

### РЎЙХАТДАН ЎТКАЗИШ КАРТОЧКАСИ

Ушбу рўйхатдан ўтказиш карточкаси \_\_\_\_\_ га  
моделдаги, завод рақами \_\_\_\_\_, 201\_\_\_\_ йил  
«\_\_\_\_\_» даги реестр рақами \_\_\_\_\_ бўлган назорат-касса машинаси  
давлат солик хизмати органида рўйхатдан ўтказилганлиги тўгрисида берилди.

Реестр рақами	Фискал хотирага эга бўлган назорат-касса машинаси модели	Завод рақами	Дастурий версия рақами	Фискал хотирага эга бўлган назорат-касса машинаси	Фискал хотирага эга бўлган назорат-касса машинаси рўйхатдан ўтказилганлиги ва рўйхатдан

				<b>жойлашган жой</b>	<b>чиқарилғанлығы тұғрисидаги белгі</b>
--	--	--	--	----------------------	---

Давлат солиқ хизмати органи раҳбари \_\_\_\_\_

Фискал хотирага эга бўлган назорат-касса машинасини рўйхатдан ўтказиш бўйича давлат солиқ хизмати органининг масъул ходими \_\_\_\_\_

(1-илованинг матни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 7 июндаги 147-сонли қарори таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2014 й., 24-сон, 288-модда)

Аҳоли билан пулли ҳисоб-китобларни амалга оширишда фискал хотирага эга бўлган назорат-касса машиналарини қўллаш тартиби тўғрисидаги низомга  
**2-ИЛОВА**

Келишилди \_\_\_\_\_ Шаҳар (туман)  
давлат солиқ хизмати органи \_\_\_\_\_

лавозими

Ф.И.О

имзо

**Назорат касса машинасини турғун таъмирлаш шохобчасига олиб бориш тўғрисида  
ДАЛОЛАТНОМА-КЎРСАТМА**

**№** \_\_\_\_\_

йил «\_\_\_\_\_»

(шахар, туман)

Куйидаги  
таркибдаги  
комиссия:  
хизмат кўрсатувчи ташкилот мутахассиси

хўжалик юритувчи субъект — \_\_\_\_\_ вакили

Назорат-касса машинаси иши учун масъул ходим \_\_\_\_\_  
маркали, завод рақами \_\_\_\_\_, рўйхатдан ўтказиш  
рақами \_\_\_\_\_ бўлган назорат касса  
машинасини \_\_\_\_\_ да жойлашган хизмат кўрсатувчи ташкилотнинг турғун  
лабораториясида турғун таъмирлаш зарурлигини аниқлади.

Хизмат кўрсатувчи ташкилот тамғаларининг ҳолати

Чеклар илова қилинган ҳолда фискал хотира жами қўрсаткичи

Назорат-касса машинаси уч кун муддатда таъмирлашга олиб борилиши керак.

Хизмат кўрсатувчи \_\_\_\_\_  
ташкилот вакили

(лавозими)

(имзо)

(Ф.И.О.)

Хўжалик юритувчи \_\_\_\_\_  
субъект вакили

(лавозими)

(имзо)

(Ф.И.О.)

Назорат-касса  
машинаси иши  
учун масъул

(лавозими)

(имзо)

(Ф.И.О.)

М.Ў.

Аҳоли билан пулли ҳисоб-китобларни амалга оширишда фискал хотирага эга бўлган назорат-  
касса машиналарини қўллаш тартиби тўғрисидаги низомга  
**3-ИЛОВА**

Квитанциялар дафтарчасининг титул варафи  
Олдинги таҳрирга қаранг.

Тикиш жойи	<b>НАЗОРАТ КАССА МАШИНАСИ ТАЪМИРЛАШДА, ЭКСПЕРТИЗАДАН ЎТКАЗИШДА БЎЛГАН ВАҚТДА, ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИ БЎЛМАГАНДА ХЎЖАЛИК ЮРИТУВЧИ СУБЪЕКТЛАРНИНГ ФОЙДАЛАНИШИ УЧУН КВИТАНЦИЯЛАР ДАФТАРЧАСИ</b>									
	СТИР _____		<u>Хўжалик субъектининг номи ва якка тадбиркорнинг Ф.И.О.</u>							
	Квитанциялар: № _____ дан № _____ гача									
	20 ____ йил « ____ » ____ да ____ ракам билан ____ давлат солиқ хизмати органида рўйхатдан ўтказилган									
	Дафтарча ип ўтказиб тикилган, давлат солиқ хизмати органи муҳри билан тасдиқланган (3-илюва матни <i>Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 7 июнданги 147-сонли <u>карори таҳририда</u> — ЎР КҲТ, 2014 й., 24-сон, 288-модда)</i>									

Квитанциялар дафтарчасининг вараклари

Тикиш жойи	Квитанциялар корешоги № 00000	СТИР		Хўжалик субъекти номи				СТИР		Хўжалик субъекти номи			
		Сана	Квитанция № 00000	Сана				киркиш линияси	Сана				
				Товар (ишлар ва хизматлар) номи	нархи	сони	суммаси		Товар (ишлар ва хизматлар) номи	нархи	сони	суммаси	
				_____	_____	_____	_____		_____	_____	_____	_____	_____
				Хаммаси	_____	_____	_____		Хаммаси	_____	_____	_____	_____
				Сотувчининг Ф.И.О.	Хўж. субъекти М.Ў.				Сотувчининг Ф.И.О.	Хўж. субъекти М.Ў.			

Квитанциялар дафтарчаси тикиладиган жойида жойга тикилиши зарур, бунда  
титул варақ биринчи варақ бўлиши керак.

Аҳоли билан пулли ҳисоб-китобларни амалга оширишда фискал хотирага эга бўлган назорат-  
касса машиналарини қўллаш тартиби тўғрисидаги низомга  
**4-ИЛОВА**

(шахар, туман)

\_\_\_\_\_ маркали, завод рақами \_\_\_\_\_  
нин

назорат-касса машинасини таъмирлаш учун қабул қилиб олди.  
Носозликни бартараф этиш мақсадида ишларнинг қуйидаги турлари бажарилди:

таъмирлашга олиб келинган сана \_\_\_\_\_ йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_

таъмирлаш тамом бўлган сана \_\_\_\_\_ йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_

таъмирлашдан қайтарилиган сана \_\_\_\_\_ йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_

таъмирлашгача  
жами \_\_\_\_\_  
сўм \_\_\_\_\_

(тамға матни)

Бажарувчи

Хизмат кўрсатувчи ташкилот раҳбари

М.Ў.

Аҳоли билан пулли ҳисоб-китобларни амалга оширишда фискал хотираға эга бўлган назорат-  
касса машиналарини қўллаш тартиби тўғрисидаги низомга  
**5-ИЛОВА**

**Назорат-касса машинасининг фискал хотираси  
кўрсаткичларини қайд этиш  
ДАЛОЛАТНОМАСИ**

№ \_\_\_\_\_

йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_

(шахар, туман)

Куйидаги таркибдаги комиссия:  
Давлат солиқ хизмати органи  
вакили

(лавозими)

(Ф.И.О.)

гувоҳнома № \_\_\_\_\_ йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_

техник хизмат кўрсатиш шартномасига мувофиқ назорат-касса  
машинасига хизмат кўрсатиш бўйича техник марказ вакили

(лавозими)

(Ф.И.О.)

хўжалик юритувчи субъект вакиллари:  
раҳбар

бош бухгалтер \_\_\_\_\_  
назорат-касса машинаси иши учун масъул шахс

\_\_\_\_\_ маркали, завод рақами \_\_\_\_\_  
рўйхатдан ўтказиш рақами \_\_\_\_\_ манзили бўйича ўрнатилган  
назорат-касса машинасининг фискал хотираси кўрсаткичларини

\_\_\_\_\_ асосида ёзиб  
олди.  
хизмат кўрсатувчи ташкилот тамғаларининг  
холати  
назорат-касса машинаси фискал хотираси  
кўрсаткичи  
сўм (назорат чеки илова  
қилинади).

Давлат солиқ хизмати  
органи вакили

(лавозими)

(имзо)

(Ф.И.О.)

Хизмат кўрсатувчи  
ташкилот вакили

(лавозими)

(имзо)

(Ф.И.О.)

Раҳбар

(имзо)

(Ф.И.О.)

Бош бухгалтер

(имзо)

(Ф.И.О.)

Назорат-касса машинаси иши учун масъул

(имзо)

(Ф.И.О.)

М.Ў.

Аҳоли билан пулли хисоб-китобларни амалга оширишда фискал хотирага эга бўлган назорат-  
касса машиналарини қўллаш тартиби тўғрисидаги низомга  
**6-ИЛОВА**

**Назорат-касса машиналарининг фискал хотирасига киритилган суммаларни  
қайтариш**

**ТАРТИБИ**

1. Ушбу Тартиб фискал хотирага эга бўлган назорат-касса машиналарининг  
фискал хотирасига киритилган тушум суммаларини қайтариш тартиб-қоидасини  
белгилайди.

2. Пул маблағларини қайтариш зарур бўлган ҳолларда сотувчи харидор  
томонидан тақдим этилган касса чеки ёхуд ушбу товарга ҳақ тўланганлигини

тасдиқлайдиган чекка тенглаштирилган хужжат асосида харидорга пул маблағларини қайтариб берishi шарт.

3. Харидордан қайтарилигандын товарни қабул қилиб олиш учун юхати расмийлаштирилади. Юхати икки нусхада тузилади, улардан бири товар ҳисоботига тиркаб қўйилади, иккинчи нусхаси харидорга топширилади ва қайтарилигандын товар учун пул суммасини олишга асос ҳисобланади. Қайтарилигандын сумма учун пул маблағларини қайтариш тўғрисида далолатнома расмийлаштирилади. Далолатнома бир нусхада тузилади, масъул шахслар томонидан имзоланади ва хўжалик юритувчи субъектнинг раҳбари томонидан тасдиқланади. Харидор томонидан тақдим этилган касса чеклари қоғоз варағига ёпиштирилади ва далолатнома билан биргаликда бухгалтерияга топширилади.

4. Пул маблағларини қайтариш харидорнинг фамилияси, исми, отасининг исми кўрсатилган ҳолда, унинг ёзма аризаси асосида бир банк кунидан ортиқ бўлмаган вақт мобайнида ҳисоб-китоб ракамидан зарур пул маблағларини олиш йўли билан хўжалик юритувчи субъект кассасидан амалга оширилади. Хўжалик юритувчи субъект кассасидан пулни қайтариш учун харидорнинг фамилияси, исми, отасининг исми мажбурий тартибда кўрсатилган ҳолда харажат касса ордери тузилади.

5. Товарлар тўлиқ ёки қисман қайтарилиганда товарларни сотишдан олинган даромадга харидорларга қайтарилигандын пул суммасида тузатиш киритилади. Товарларни сотишдан олинган даромадга тузатиш киритиш пул маблағлари қайтарилигандын солик даврида амалга оширилади.

**Аҳоли билан пулли ҳисоб-китобларни амалга оширишда фискал хотирага эга бўлган назорат-касса машиналарини кўллаш тартиби тўғрисидаги низомга  
7-ИЛОВА**

**Фискал хотирага эга бўлган назорат-касса  
машинасини олиб қўйиш  
БАЁННОМАСИ**

Биз, қўйида имзо чекувчилар \_\_\_\_\_  
(текширувчиларнинг Ф.И.О.)

\_\_\_\_\_ нинг 201\_\_\_\_ йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_-со  
(назорат органининг номи)

буйруғига мувофиқ гувоҳлар ва \_\_\_\_\_  
(хўжалик юритувчи субъект ёки якка тадбир)

иштирокида завод рақами \_\_\_\_\_, 200\_\_\_\_ йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ да \_\_\_\_\_ рақам  
ДСИда рўйхатдан ўтказилган, \_\_\_\_\_ манзилида жойлашган, СТИР \_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_ га тегишли бўлган  
(хўжалик юритувчи субъектнинг номи (Ф.И.О.))

\_\_\_\_\_ маркали назорат-касса машинасини олиб қўйдик

Олиб қўйиш вақтида қўйидагилар аниқланди:

Завод тамғасининг ҳолати: \_\_\_\_\_

Хизмат кўрсатувчи ташкилот тамғасининг ҳолати \_\_\_\_\_

Назорат-касса машинаси фискал хотирасининг умумий кўрсаткичи («Z» ҳисбот)

Олиб қўйиш пайтида назорат-касса машинасининг ҳолати \_\_\_\_\_

(умумий ҳолати (иш ҳолати, ишламайдиган ҳолати), шунингдек алоҳида механик нуқсонлар кўрсатилади)

Ушбу баённома 3-нусхада тузилди.

1-нусхаси назорат-касса машинаси эгасида қолади;

2-нусхаси назорат-касса машинасини олиб қўйган органда сақланади;

3-нусхаси назорат-касса машинаси билан биргаликда экспертиза органига тақдим этилади.

Баённома 201 \_\_ йил « \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ да

(назорат органи мансабдор шахсининг Ф.И.О.)

(имзо)

Гувоҳлар иштирокида

(гувоҳнинг Ф.И.О.)

(имзо)

Хўжалик юритувчи субъект вакиллари иштирокида

(юридик шахс мансабдор шахси ёки якка тадбиркорнинг Ф.И.О.)

(имзо)

Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 17 ноябрдаги 306-сон [карорига](#)  
2-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қўлланиши рухсат этилган фискал хотираға эга  
бўлган назорат-касса машиналарининг Давлат реестрини юритиш тартиби  
тўғрисида**

## **НИЗОМ**

### **I. Умумий қоидалар**

1. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қўлланиши рухсат этилган фискал хотираға эга бўлган назорат-касса машиналарининг Давлат реестри (кейинги ўринларда Давлат реестри деб аталади) Фискал хотираға эга бўлган назорат-касса машиналари ва уларнинг дастурий маҳсулотлари (версиялари) бўйича идоралараро ишчи комиссия (кейинги ўринларда Комиссия деб аталади) томонидан шакллантирилади ва юритилади.

2. Давлат реестри ушбу Низомга [иловага](#) мувофиқ шакл бўйича юритилади ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қўлланиши рухсат этилган дастурий маҳсулотларнинг бир ёки бир нечта версияларига эга бўлган фискал хотираға эга бўлган назорат-касса машиналари моделлари тўғрисидаги тўлиқ маълумотлардан иборат бўлади.

3. Давлат реестри:

- а) ариза берувчи томонидан тақдим этилган маълумотлар;
- б) назорат-касса машинасига сертификатлаш органлари томонидан берилган мувофиқлик сертификатлари;
- в) Комиссия қарорига кўра назорат-касса машиналари моделларининг техник ва функционал тавсифларини уларга қўйиладиган техник талабларга мувофиқ экспертизадан ўтказаётган ташкилотларнинг хulosалари;
- г) Комиссия мажлисларида назорат-касса машиналари моделларини Давлат реестрига киритиш тўғрисидаги масалани кўриб чиқиш баённомалари асосида шакллантирилади.

4. Давлат реестри назорат-касса машиналари моделлари тўғрисидаги маълумотларни уларнинг версияларини кўрсатган ҳолда ушбу реестрга киритиш ёки

ундан чиқариш ёхуд кўрсатиб ўтилган маълумотларга ўзгартиришлар киритиш мақсадида юритилади.

5. Комиссия қарорига кўра Давлат реестрига назорат-касса машиналари янги моделларининг номлари, дастурий маҳсулот (версиялари) тўғрисидаги хамда ушбу Низомда назарда тутилган бошқа маълумотлар киритилади.

6. «Ўззелтехсаноат» уюшмаси Комиссиянинг ишчи органи (кейинги ўринларда ишчи орган деб аталади) хисобланади.

Ишчи органнинг асосий функцияларини тартибга солувчи қоидалар, ҳукуқлари ва мажбуриятлари Комиссия томонидан тасдиқланади.

## **II. Назорат-касса машиналарини Давлат реестрига киритиш шартлари**

7. Комиссия назорат-касса машиналари моделларини Давлат реестрига киритиши тўғрисидаги масалани кўриб чиқиша:

а) тақдим этилган назорат-касса машинаси модели ва унинг дастурларининг назорат-касса машинаси техник хужжатларига мувофиқлигини;

б) Комиссия қарорига кўра назорат-касса машиналари моделларининг техник ва функционал тавсифларини экспертизадан ўтказаётган ташкилотларнинг хulosаларидаги тавсияларни;

в) савдо (ишлар ва хизматлар) соҳаси хўжалик юритувчи субъектларининг назорат-касса машиналари моделларининг ушбу типдаги моделлари билан жиҳозланганлик даражасини;

г) назорат-касса машиналарини етказиб бериш комплектига кирувчи давлат тилидаги ва бошқа тиллардаги техник хужжатлар мавжудлигини;

### **Олдинги таҳрирга қаранг.**

д) фискал хотираға эга бўлган назорат-касса машинаси ва унинг дастурий маҳсулотлари функционал тавсифларининг ягона техник талабларда келтирилган малака гурухларидан бирига мувофиқлигини;

(7-банднинг «д» кичик банди Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 7 июндаги 147-сонли карори таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2014 й., 24-сон, 288-модда)

е) назорат-касса машиналари моделларининг аниқ типига Ўзбекистон Республикаси худудида техник хизмат кўрсатиши имкониятлари мавжудлигини хисобга олади.

## **III. Назорат-касса машиналарини Давлат реестрига киритиш тартиби**

8. Маҳаллий ва хорижий назорат-касса машиналари моделларини ишлаб чиқарувчи ташкилотлар, шунингдек назорат-касса машиналарини импорт қилиш ва сотиши билан шуғулланувчи юридик шахслар назорат-касса машинаси моделини Давлат реестрига киритиш ташаббускори (ариза берувчи) бўлишлари мумкин.

9. Назорат-касса машинаси моделини (версиясини) Давлат реестрига киритиши учун ариза берувчи Комиссияга хат билан мурожаат қиласи, унда қуйидаги маълумотлар кўрсатилиши керак:

а) ариза берувчининг номи, унинг почта манзили ва телефони;

б) моделнинг унинг версиялари кўрсатилган ҳолдаги номи ва назорат-касса машинасини қўллаш соҳаси;

в) ариза берувчи кўрсатилиши лозим деб ҳисоблаган бошқа маълумотлар.

10. Аризага қуйидагилар илова қилинади:

а) шакллантириладиган чеклар намуналари;

б) назорат-касса машинасининг этalon намунаси;

в) назорат-касса машинаси моделининг техник ва функционал тавсифлари батафсил кўрсатилган техник паспорт (бошқа хужжат) ҳамда кафолат мажбуриятлари;

г) фойдаланиш хужжатлари (фойдаланувчи учун қўлланма, солиқ инспектори йўриқномаси);

д) ариза берувчининг назорат-касса машинасини ишлаб чиқариш ёки етказиб бериш мажбуриятини тасдиқловчи ҳужжатлар (ишлаб чиқариш базаси, етказиб бериш шартномаси ва бошқалар);

е) ариза берувчининг эҳтиёт қисмлар билан таъминлаш, ходимларни ўқитиш, сервис хизмати кўрсатиш бўйича мажбуриятини тасдиқловчи ҳужжатлар, шунингдек назорат-касса машинаси модели версияларининг ведомости;

ж) назорат-касса машинасини унинг асосий функционал тавсифларининг норматив ҳужжатлар талабларига мувофиқлиги юзасидан текшириш методикаси;

з) назорат-касса машинасининг асосий функционал тавсифлари норматив ҳужжатлар талабларига мувофиқлиги ведомости;

и) Давлат реестрига киритиш учун тақдим этилаётган назорат-касса машинасининг белгиланган тартибда аккредитация қилинган сертификатлаштириш органи томонидан берилган мувофиқлик сертификати.

11. Ишчи органнинг масъул ходими ҳужжатларни рўйхат бўйича қабул қилиб олади, рўйхатнинг нусхаси ариза қабул қилинган кунда ариза берувчига юборилади (топширилади).

Ишчи орган тақдим этилган ҳужжатларни уч кун муддатда назорат-касса машинасининг техник ва функционал тавсифларини ариза берувчи билан шартнома асосида экспертизадан ўтказиш учун эксперт ташкилотига беради.

Улар бўйича ушбу Низомда назарда тутилган барча ҳужжатлар тақдим этилмаган назорат-касса машинаси моделлари экспертизадан ўтказишга қўйилмайди.

Назорат-касса машинасининг техник ва функционал тавсифларини экспертизадан ўтказувчи эксперт ташкилоти Комиссия қарорига кўра белгиланади.

12. Эксперт ташкилоти бир ҳафта муддатда назорат-касса машинасининг техник ва функционал тавсифларини экспертизадан ўтказади, Комиссия томонидан белгиланадиган шакл бўйича хulosани расмийлаштиради ва уни ишчи органга тақдим этади.

Ишчи орган эксперт ташкилотининг ижобий хulosасини олгандан кейин бир кун муддатда ҳужжатларни кўриб чиқиш учун Комиссияга тақдим этади.

Эксперт ташкилоти томонидан салбий хulosса берилган тақдирда ишчи орган тақдим этилган ҳужжатларни ариза берувчига хulosада кўрсатилган камчиликларни бартараф этиш учун бир кун муддатда қайтаради.

13. Комиссия назорат-касса машинаси моделини (модель версиясини) Давлат реестрига киритиш масаласини икки ҳафта муддатда кўриб чиқади ва қуидаги қарорлардан бирини қабул қиласди:

а) назорат-касса машинаси моделини (модель версиясини) Давлат реестрига киритиш тўғрисида;

б) назорат-касса машинаси моделини (модель версиясини) Давлат реестрига киритишни рад этиш тўғрисида.

Назорат-касса машинаси моделини (модель версиясини) Давлат реестрига киритиш тўғрисидаги масалани кўриб чиқишнинг умумий муддати ариза тушган кундан бошлаб бир ойдан ошмаслиги керак.

14. Комиссия мажлиси унинг мажлисида аъзоларининг 2/3 қисми иштирок этганда ваколатли ҳисобланади.

Комиссия қарори Комиссия аъзоларининг оддий қўпчилиги уни ёқлаб овоз берганда қабул қилинган ҳисобланади. Овозлар teng бўлиб қолганда раиснинг овози ҳал қилувчи ҳисобланади.

15. Комиссиянинг қабул қилинган қарори тўғрисида уч кун муддатда баённомадан кўчирма илова қилинган ҳолда ариза берувчига хабар қилинади.

Комиссия томонидан назорат-касса машинаси моделини (модель версиясини) Давлат реестрига киритишни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда қарорда рад этишнинг сабаблари кўрсатилади.

Ариза берувчи рад этиш учун асос бўлган сабаблар бартараф этилгандан кейин назорат-касса машинаси моделини (модель версиясини) Давлат реестрига киритиш тўғрисида янги ариза беришга ҳақлидир.

16. Илгари кўриб чиқилган ва Давлат реестрига киритилмаган назорат-касса машинаси моделлари, уларда ушбу қарорда қайд этилган камчиликлар бартараф этилмаган бўлса, қайта кўриб чиқилмайди ва илгари қабул қилинган қарор асосида рад этилади.

17. Ариза берувчи Комиссияга мажбурий тартибда техник ва функционал тавсифлари бўйича экспертизадан ўтган ва Давлат реестрига киритилган назорат-касса машинасининг эталон намунасини (моделнинг версиясини) тақдим этади.

Назорат-касса машинасини Давлат реестрига киритиш тўғрисидаги ариза кўриб чиқилганлиги учун тўлов ундирилмайди.

#### **IV. Назорат-касса машиналарини Давлат реестридан чиқариш тартиби**

18. Назорат-касса машинаси модели (модели версияси) қўйидаги холларда Давлат реестридан чиқарилади:

назорат-касса машинасига нисбатан қонун ҳужжатлари талаблари ўзгарганда;

назорат-касса машинаси модели (модели версияси) хўжалик юритувчи субъектлар томонидан маънавий эскирганлиги туфайли амалда фойдаланилмаганда;

назорат-касса машинаси модели (модели версияси)ни ишлаб чиқариш тўхтатилганда ва бозорда узоқ вақт (1-2 йил) мобайнида эҳтиёт қисмлар мавжуд бўлмаганда;

ариза берувчининг аризаси асосида назорат-касса машинаси модели (модели версияси) Давлат реестрига киритилган ариза берувчининг ёзма илтимосномасига биноан.

Қонун ҳужжатларида назорат-касса машиналари моделини (модели версиясини) Давлат реестридан чиқариш учун бошқача асослар назарда тутилиши мумкин.

19. Комиссия томонидан назорат-касса машинаси модели (модели версияси)ни 18-банднинг иккинчи—тўртинчи хатбошилардаги асослар бўйича Давлат реестридан чиқариш Комиссия аъзоларидан бирининг тақдимномасига биноан амалга оширилади.

20. Назорат-касса машинаси модели (модели версияси)ни Давлат реестридан чиқаришда қўйидаги ҳолатлар ҳисобга олинади:

назорат-касса машинаси модели (модели версияси)нинг давлат солиқ хизмати органларида рўйхатдан ўтказилган ва хўжалик юритувчи субъектлар томонидан фойдаланилаётган аппаратлари сони;

хўжалик юритувчи субъектларнинг назорат-касса машинаси модели (модели версияси)ни алмаштиришга потенциал харажатлари;

бозордаги таклифни ҳисобга олган ҳолда назорат-касса машинасининг янги модели (модели версияси)ни харид қилиш имконияти;

назорат-касса машинаси модели (модели версияси)ни алмаштириш учун зарур бўлган вақт;

аниқ вазиятлардан келиб чиқсан ҳолда бошқа ҳолатлар.

21. Назорат-касса машинаси модели (модели версияси)ни Давлат реестридан чиқаришда хўжалик юритувчи субъектларга назорат-касса машинаси модели (модели версияси)ни алмаштириш учун камида уч ой муддат берилиши керак.

#### **V. Якунловчи қоида**

22. Мазкур Низом талаблари бузилишида айборд бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Ўзбекистон Республикаси худудида қўлланиши рухсат этилган фискал хотирага эга бўлган назорат-касса машиналарининг Давлат реестрини юритиш тартиби тўғрисидаги низомга ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қўлланиши рухсат этилган фискал хотирага эга бўлган назорат-касса машиналарининг**

**ДАВЛАТ РЕЕСТРИ**

Т/р	Назорат-касса машинаси моделининг номи	Версия-нинг тартиб рақами	Назорат-касса машинасини ишлаб чиқарувчилар номи	Ишлаб чиқарувчи мамлакат	Идораларо ишчи комиссия қарори		Изоҳ
					назорат-касса машинасини Давлат реестрига киритиш тўғрисида (баённома санаси, тартиб рақами)	Давлат реестиран чиқариш тўғрисида (баённома санаси, тартиб рақами)	

Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 17 ноябрдаги 306-сон қарорига  
3-ИЛОВА

**Юридик ва жисмоний шахсларнинг ўз фаолияти хусусиятига кўра ахоли билан пулли ҳисоб-китобларни фискал хотирага эга бўлган назорат-касса машиналарини қўлламасдан амалга ошириши мумкин бўлган айрим тоифалари**

**РЎЙХАТИ**

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

1. Ахолига пулли хизматлар кўрсатища қатъий ҳисбот бериладиган бланкалар ҳисобланган талонлар, чипталар ва уларга tengлаштирилган бошқа хужжатларни берадиган юридик ва жисмоний шахслар.

(1-банд *Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 7 июндаги 147-сонли қарори таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2014 й., 24-сон, 288-модда)*

2. Қуйидагиларни амалга оширадиган юридик ва жисмоний шахслар:

а) газета ва журналлар сотадиган;

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

б) дехқон бозорларида савдо ўринлари ташкил этган ҳолда ўзи етиштирган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, шунингдек сўйилган моллар гўшти билан савдо қиласиган (якка тартибдаги тадбиркорлар ва юридик шахслар бундан мустасно);

(2-банднинг «б» кичик банди *Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 7 июндаги 147-сонли қарори таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2014 й., 24-сон, 288-модда*)

в) самолётларда ва поездларда (вагон-ресторанлар бундан мустасно) умумий овқатланиш маҳсулотларини сотадиган;

г) давлат ҳокимияти органлари рухсатномалари асосида кўчма (ташқарида) савдо қиласиган.

3. Турғун жойдан ташқаридаги майший хизматлар, темирчилик, тунукачилик ишлари.

4. Давлат чегараси бўйлаб жойлашган ҳарбий савдо обьектлари.

5. Умумтаълим мактабларининг ошхоналари ва буфетлари.

6. Дорихоналарнинг қишлоқ врачлик пунктлари ҳудудида ташкил этилган филиаллари.

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

7. Жисмоний шахслар томонидан товарларни дам олиш кунлари ярмаркаларда, автомобилларни сотиш бозорларида ва бошқа илгари ишлатилган товарларни, шунингдек тирик молларни, паррандаларни, жониворларни ва бошқаларни сотиш.

(7-банд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 7 июнданги 147-сонли карори таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2014 й., 24-сон, 288-модда)

Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 17 ноябрдаги 306-сон карорига  
5-ИЛОВА

## Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ўз кучини йўқотган қарорлари РЎЙХАТИ

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Аҳоли билан пул ҳисоб-китобларини амалга оширишда назорат-касса машиналарини мажбурий қўллаш тартиби тўғрисида» 1994 йил 26 декабрдаги 621-сон карори.

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айrim қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» 1997 йил 29 декабрдаги 575-сон карори.

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айrim қарорларига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» 1998 йил 19 майдаги 219-сон қарорига илованинг 1-банди.

4. Вазирлар Маҳкамасининг «Вазирлар Маҳкамасининг «Аҳоли билан пул ҳисоб-китобларини амалга оширишда назорат-касса машиналарини мажбурий қўллаш тартиби тўғрисида» 1994 йил 26 декабрдаги 621-сон қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш хақида» 1999 йил 21 майдаги 264-сон карори.

5. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айrim қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» 1999 йил 14 сентябрдаги 427-сон қарорига илованинг 6-банди (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1999 й., 9-сон, 53-модда).

6. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ҳукумат комиссияларини ташкил этиш масалаларига доир айrim қарорларига ўзгартириш, қўшимчалар киритиш ва баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида» 2000 йил 19 сентябрдаги 359-сон карорига 1-илованинг 21-банди.

7. Вазирлар Маҳкамасининг «Назорат-касса машиналаридан фойдаланишда жавобгарликни ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2003 йил 23 майдаги 230-сон карори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 5-сон, 41-модда).

8. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айrim қарорларига ўзгартиришлар киритиш, шунингдек баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Молия-иқтисодий, солиқ соҳасидаги жиноятларга, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашишни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2006 йил 21 апрелдаги ПҚ-331-сон қарори)» 2006 йил 6 июлдаги 130-сон қарорига илованинг 7-банди (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2006 й., 7-сон, 48-модда).

9. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айrim қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида («Тадбиркорлик субъектларини хуқуқий ҳимоя қилиш тизими такомиллаштирилганлиги ҳамда уларнинг молиявий жавобгарлиги эркинлаштирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айrim конун хужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2006 йил 10 октябрдаги ЎРҚ-59-сон Қонуни)» 2006 йил 10 ноябрдаги 235-сон қарорига 1-илованинг 8, 22 ва 40-бандлари (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2006 й., 11-сон, 86-модда).

10. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айrim қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш хақида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Деҳқон бозорлари ва савдо комплекслари фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2010 йил 26 апрелдаги ПҚ-1326-сон

қарори)» 2010 йил 8 июндаги 112-сон қарорига илованинг [1-банди](#) (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2010 й., 6-сон, 30-модда).

маслаҳатчи